



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
РЕКТОРИНИНГ 208 - СОНЛИ БУЙРУҒИ**

Тошкент шаҳри

2022 йил « 30 » июнь

***Қўшма таълим дастурларини  
мувофиқлаштирувчи бўлим  
2021-2022 ўқув йили битирувчи  
талабаларининг битирув ва диплом  
олиш маросимини ҳамда  
“Университет шахмат мактаби”ни  
ташkil этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли фармони ҳамда 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4391-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Урал давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигидаги Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим битирувчи талабаларининг битирув ва диплом олиш, шунингдек, “Университет шахмат мактаби” очилиш маросимлари жорий йилнинг 12 июль кuni тантанали тарзда ва юқори савияда ўтказилсин.

2. Тадбирни юқори даражада ташкил этиш бўйича 11-14 июль кунлари таклиф этилган ҳамкорлар ва меҳмонлар рўйхати 1-иловага, тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлари бўйича биринчи проректори С. Худойкулов, Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим бошлиғи Б. Насимовларга:

Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим битирувчи талабаларининг битирув ва диплом олиш ҳамда, шахмат бўйича 16 карра жаҳон чемпиони, Россия Федерацияси давлат Дума депутаты А. Карпов иштирокидаги

“А. Карпов номидаги шахмат мактаби” очилиш маросимини юкори даражада ўтказилишини таъминлаш юклатилсин.

4. Ўқув ишлари бўйича проректор М. Эшов, Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим бошлиғи Б. Насимовларга:

Давлат ва жамоат арбоблари, давлат ва нодавлат ташкилотлари масъул ходимларига хатларни тайёрлаш, уларга ташриф қоғозларини жўнатиш вазифаси юклансин.

5. Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор Д. Рахмоновга:

Хорижий ҳамкорлар УрДИУ ректори и.ф.д., проф. Я. Силин, шахмат бўйича 16 карра жаҳон чемпиони, Россия Федерацияси давлат Дума депутаты А. Карповларга хатларни тайёрлаш, уларга ташриф қоғозларини жўнатиш вазифаси юклансин.

6. ТДИУ Ахборот хизмати бошлиғи А. Қўшбақовга:

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлимини битираётган талабаларнинг битирув ва диплом олиш ҳамда “А. Карпов шахмат мактаби”нинг очилиш маросимларини ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши вазифалари юклатилсин.

7. Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор М. Юлдашев, Режа-молия бўлими Ш. Якубов ва Бош ҳисобчи в.в.б Н. Саматовага:

Тадбирни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни, шу жумладан иштирокчилар учун кофе-брейклар, тушлик ва кечки овқатлар, логотип туширилган кўкрак нишони ва совғалар, турли хилдаги сувенирлар, хорижий меҳмонларни кутиб олиш, кузатиш ҳамда уларни Ўзбекистоннинг диққатга сазовор шаҳри (Самарканд)га саёҳати билан боғлиқ 2-иловадаги харажатлар сметасига асосан харажатларни халқаро қўшма таълим дастурларининг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан молиялаштириш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

Ректор



К. Шарипов

**Кирилди:**

Қўшма таълим дастурларини  
мувофиқлаштирувчи бўлим  
бошлиғи Б. Насимов



**Келишилди:**


Ўқув ишлари бўйича проректор  
М. Эшов



Молия-иқтисод ишлари бўйича  
проректор  
М. Юлдашев




Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор  
Д. Раҳмонов



Бош бухгалтер в.в.б  
Н. Саматова



Режа-молия бўлими бошлиғи  
Ш. Якубов



**Тошкент давлат иқтисодиёт университети Қўшма таълим дастурларини  
мувофиқлаштирувчи бўлим битирувчи талабаларининг битирув ва  
диплом олиш ҳамда “Университет шахмат мактаби”ни очилиш  
маросимларига таклиф этилган хорижий ҳамкорлар  
РЎЙХАТИ**

1. Силин Яков Петрович – Россия Федерацияси Урал давлат иқтисодиёт университети ректори
2. Карпов Анатолий Евгеньевич – Россия Федерацияси “Единая Россия” партиясининг депутати, шахмат бўйича жаҳон чемпиони
3. Ялунина Екатерина Николаевна – Россия Федерацияси Урал давлат иқтисодиёт университети Узлуксиз таълим институти директори
4. Дмитрий Андреевич Карх – Россия Федерацияси Урал давлат иқтисодиёт университети ўқув ишлари бўйича проректори, профессор
5. Воронин Сергей Николаевич – Австрия Кремс амалий фанлар университети ректори
6. Альберт Степанян – Россия Федерациясининг Свердловск вилояти шахмат Федерацияси ижрочи директори



**Тошкент давлат иқтисодийёт университети Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлим битирувчи талабаларининг битирув ва диплом олиш ҳамда “Университет шахмат мактаби”ни очилиш маросимларини муносиб нишонлаш билан боғлиқ  
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ**

№	Харид қилинадиган иш ва хизматлар ҳамда товарлар номи	Сумма
	16 карра шахмат бўйича жаҳон чемпиони, Россия Федерацияси давлат Дума депутати А.Карпов учун авиа чипталари	40 000 000
<b>1.</b>	<b>Хорижлик меҳмонларни меҳмонхонага жойлаштириш ва транспорт воситаларида Тошкент шахрида олиб юриш:</b> - “Regal Stay” меҳмонхонасида 2 та люкс 5 та полулюкс хона, 2 кун 3 маҳал овқатланиш билан (14,17 июль)	50 000 000
<b>2.</b>	- УрГЭУ ректори и.ф.д., проф. Я.Силин, 16 карра шахмат бўйича жаҳон чемпиони, Россия Федерацияси давлат Дума депутати А.Карпов, .Австрия амалий фанлар университети ректори и.ф.д., проф. Карл Еннсфеллнерлар учун - кўк арча - 3 дона - исми шарифи тушурилган мармар тош – 3 дона - Профессорлар учун мантия - 4 дона - Талабалар учун мантия (ижара) – 60 дона - Талабалар учун мантия (сотиб олинидиган)– 60 дона - рамкага солинган диплом - 4 дона - 4та гулдаста ва битурвчилар учун 130 дона атиргул - шахмат доскаси – 10 дона - Я.Силинга миллий наққошлик шахмат доскаси- 1 дона - Фахрий профессорларга университет логоси тушурилган қимматбаҳо соат - 4 дона - Меҳмонлар учун университет логоси тушурилган соат - 11 дона - Меҳмонлар учун махсус совғалар (миллий сумка, сандиқча, лавҳ ва хар хил эсталик совҳалари) - 15 дона	25 000 000
<b>3.</b>	Меҳмонлар учун байрам дастурхони (50 кишилиқ кечки овқат ва 15 кишилиқ тушлиқ) LED экран ижараси (500x300 см., колонка, 12 июль учун 4 соатга)	35 000 000
<b>4.</b>	<b>Декорация:</b> - 3 та бир хил ўлчамдаги баннерларни дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиш ва яшаш ҳамда ўрнатиш - Саҳнани гуллар билан безаш (узунлиги 20 м., эни 1м.) - Столларни табиий гуллар билан безаш (10 дона)	15 000 000
<b>5.</b>	<b>Видео-тасвир, фото-альбом, видеоролик (2 кун)</b>	18 000 000
<b>6.</b>	<b>Совға ва сувенирлар:</b> - Университет логотипи туширилган битирувчи талабалар ва энг яхши профессор ўқитувчилар учун кукрак нишони – 300 дона - Ўқитувчилар учун А4 форматда Диплом ва Рамка - 20 дона - Буклетлар ва Таклифномалар дизайн лойиҳасини ишлаб чиқиш ва нашр этиш (А4, 150 гр., 15000 дона)	20 000 000
<b>7.</b>	Самарқанд шахрига хорижий меҳмонларни саёхати (10 кишилиқ) -Транспорт хизмат - Гид хизмати -Меҳмонхона - 3 маҳал овқат	22 000 000
<b>8.</b>	11-14 июль кунлари меҳмонларни олиб юриш учун 2 та Витто (Тошкент шахрида)	12 000 000

	Тошкент, Самарканд, Бухоро)	
9.	11 июль куни YALPIZ ресторанида 10 кишига тушлик	3 000 000
10.	11 июль куни SIM-SIM ресторанида 10 кишига кечги овкат	3 000 000
11.	12 июль куни 10 та раққослар ансамбли	5 000 000
12.	12 июль куни 10 та доирачилар	3 000 000
13.	12 июль куни 1 жуфт рус ва ўзбек тилларида тадбир олиб борувчилар (эркак, аёл)	2 000 000
14.	12 июль куни очилиш маросимида колонка ва микрофон	800 000
15.	12 июль куни очилиш маросимида қизил гилам	2 000 000
16.	12 июль куни битирув маросимида эстрада хонандалари (обед ва кечга)	10 000 000
17.	12 июль куни битирув маросимида скрипкачилар (обед ва кечга)	5 000 000
18.	12 июль куни битирув маросимида 130та талабалар ва меҳмонлар учун кофе-брейк	25 000 000
19.	А.Карпов томонидан талабалар учун имзоланган расм (10x15 50та, 30x45 10 дона)	300 000
20.	2-ўқув биноси мажлислар залига ва маданият саройига меҳмонлар учун 150 дона ТОШКЕНТ суви (шиша идишда)	1 500 000
<b>Жами:</b>		